

Ulug' yo'l

2010 йил 14 декабрдан чиқа бошлаган

№ 3 (338)

2022 йил 3 февраль

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



Ўзбекни излаганлар Навоийдан топаркан

Тайинлов



НУРИДДИН КАРИМОВИЧ АБДУРАХИМОВ

Ангрен шаҳрига ҳоким этиб тайинланди

31 январь куни Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтказилди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу вақтга қадар Ангрен шаҳар ҳокими лавозимида ишлаб келган Шуқрулла Маҳмудов Тошкент вилояти ҳокимига қурилиш масалалари бўйича ўринбосар этиб тайинланиши муносабати билан шаҳар ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ангрен шаҳар ҳокими лавозимига Абдурахимов Нуриддин Каримович номзоди кўрсатилиб, депутатлар томонидан тасдиқланди.

Н.Абдурахимов 1978 йилда Пискент туманида туғилган. Мутахассислиги бўйича молиячи. Шу вақтга қадар Президент Администрациясининг масъул ходими сифатида фаолият юритиб келган.

ДИҚҚАТ!

"БАХТ КУРТАКЛАРИ"НИНГ ИЛК САМАРИ

"Улуғ йўл" таҳририяти томонидан эълон қилинган "Бахт куртаклари" ижодий ишлар танлови якунланганини маълум қиламиз. Танловга юборилган ижодий ишлар сони ва сифатидан келиб чиқиб ҳакамлар ҳайъати энг сара ўнта ижодий иш муаллифларини тақдирлашга қарор қилди. Қуйидаги ҳар бир иштирокчига ўнтадан китоб ҳамда фахрий ёрлиғи топширилади:

1. Фарангиз Назарматова – Оҳангарон тумани 28-мактаб ўқувчиси.
2. Нигора Асқаралиева – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси, Олмалик шаҳри.
3. Ойгул Абдуқаҳҳорова – Ангрен шаҳар 43-ИДУМ 8-"А" синф ўқувчиси.
4. Мухлиса Раҳматуллаева – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педаго-

гика институти талабаси, Пискент тумани.

5. Ифора Бахромова – Қуйи Чирчиқ тумани 29-мактаб 8-синф ўқувчиси.

6. Рухсорахон Алимова – Яқкасарой тумани 135-мактаб 7-"Б" синф ўқувчиси.

7. Зиёда Каримова – Қуйи Чирчиқ тумани 29-мактаб 10-синф ўқувчиси.

8. Севинчбону Камолитдинова –

Паркент туманидаги 36- мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

9. Шаҳзода Эргашева – Оҳангарон тумани 27-мактабнинг 11-"а" синф ўқувчиси.

10. Мардона Миркамол қизи – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси, Ангрен шаҳри.

Совғалар почта орқали ҳамда бевосита таҳририят вакиллари томонидан топширилади.

Мурожаат учун телефон:
(99) 919-21-84

Таҳририят



ОҲАНГАРОНЛИК ОСИЁ ЧЕМПИОНИ – ФЕРУЗА

Жорий йилнинг 20-30 январь кунлари Тошкент шаҳрида 22 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Феруза Казакова учинчи бор олтин медаль соҳибасига айланди.

31 январда Оҳангарон шаҳар ҳокими Ақром Эшонкулов чемпионни табриклаб, ҳокимликнинг эсдалик совғалари билан тақдирлади. Маросимда Ферузага тез кунда ҳокимлик томонидан янги хонадон қилини топширилиши маълум қилинди.

Ф.Казакова спортнинг бокс тури билан 9 ёшдан шуғулланиб келади. Илк бор 2019 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шундан сўнг БААда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида икки бор қатнашиб олтин медални қўлга киритган.

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати



ОЛМАЛИҚДА "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИ


Олмалик шаҳрининг И.Каримов маҳалласи ҳудудида 2022/2026 йиллар оралиғида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилади – дейди ҳоким ўринбосари Қувондиқ Ражапов брифингда.

Натижада барча ижтимоий ва муҳандислик-коммуникацияларга эга 63 та 16 қаватли 5040 хонадонли уй, жами 3360 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 720 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли 1 та тиббиёт муассасаси, 1 та текстиль фабрикаси, 1 та йирик савдо мажмуаси, 20 га яқин маиший хизмат ва савдо марказлари ҳамда муз саройи барпо этилади.

Жумладан, 2022 йилда 5 та 9 қаватли, 10 та 16 қаватли, 1140 хонадонли уйлар қурилиши бошланади. Мазкур массив эгаллаши белгиланган ер майдони 59.1 гектар. Қурилиш ишлари давомида 0.668 км ичимлик суви ҳамда сув йиғиш ва тарқатиш иншооти, 0.6 км оқова сув ва локал тозалаш иншооти, 1.5 км электр, 1 км табиий газ ва 5 км алоқа тармоқлари тортилади.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

ҲУНАР ЁШ ТАНЛАМАС



Бекобод шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактаби 7-"А" синфининг энг иқтидорли ўқувчиларидан Иброҳим Қурбонов онлайн дарсларда фаол қатнашиб, бўш вақтида тасвирий ҳамда амалий санъат билан шуғулланади.

И.Қурбонов чизган суратлари, ясаган ҳайкаллари, дурадгорлик маҳсуллари билан шаҳардаги ёшлар орасида ўз муносиб ўрнига эга.

Ўқувчининг ўз иқтидорини намоён қилишида синф раҳбари, фан ўқитувчилари ва шу мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Б.Сайдинов унга тўғри йўналиш кўрсатиб келмоқда.

Наврўз байрами арафасида у мактабда шахсий кўргазмасини ўтказмоқчи. Истеъдодли ёшларимиз сафи кенгайиб бораверсин.

Бекобод шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

• Муносабат • • • • •

ҲОКИМЛАР ВА ХАЛҚ ЭСЛАЙДИГАН ИШЛАР

Ш.Маҳмудов ўз постидан ҳурмат-эҳтиром билан кузатилди.

2018 йил 18 октябрь – Шукурулла Маҳмудов шаҳар кенгаши сессиясида Ангрен шаҳар ҳокими этиб тайинланди. 2022 йил 31 январь — Шукурулла Маҳмудов шаҳар кенгаши сессиясида шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди.

Одатда ҳокимлар беш йилга тайинланади. Аммо Шукурулла Насимхонович ҳам “анъана”га кўра ушбу лавозимда кўп қолмади – уч йилу уч ойдан сал кўпроқ ишлади.

Кейинги ўттиз йил бадалида Ангрен шаҳрига қанча ҳоким келиб кетди? Шаҳарнинг илк ҳокими Сотиволди Юсупалиевни негадир кўп эслаймиз. Бунинг сабаблари кўп. Асл касби энергетик бўлиб, Янги Ангрен ИЭСини бошқарган, кейинчалик собиқ “Ўзбекрезинотехника” ИЧБда ишлаб чиқариш бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатаётган С.Юсупалиев тўқсонинчи йилда янги ташкил этилган шаҳар кенгашига муқобиллик асосида кўпчилик овоз билан сайланган ва кўп ўтмай шаҳар ҳокими этиб тайинланганди. Чўрткесар, дангалчи, ғоятда ишчан қирқ тўрт ёшли раҳбар катта-ю кичика бирдай муносабатда эди. Афсус, куч-ғайрати жўшиб турган, янгиликка интилувчан С.Юсупалиев ҳокимликда бир ярим йилдан кўп ишламади. “Қандайдир хато”си учун ишдан олинди. Аммо, мана, орадан ўттиз йиллар ўтибдики, у киши ҳақида ангренликлар ҳамон тўлиб-тошиб сўзлайдилар.

Сотиволди Юсупалиев ангренликлар эслаб юрадиган кўп улуг ишларни амалга оширди. У “Ангрен ҳақиқати”га ҳам катта ғамхўрлик кўрсатди, газетани мустақил нашр сифатида чоп этишга бошчилик қилиб, ҳатто собиқ “горком”нинг ҳозирги “Ўзбеккўмир” АЖ маъмурий биноси биринчи қаватини ҳам таҳририят учун ажратиб берди. Матбуотга ўта хайрихоҳ бўлган. Маҳаллий журналистларни ниҳоятда қадрлар, ижод аҳлига, уларнинг катта-кичиклигига қарамай, ҳузурига чақириб олиб, тўлиб-тошиб сўзлар, қимматли информациялар билан кўмиб ташларди.



Уйланаётганимда бир шапалок қоғоз – таклифнома бергандим. Ўзини катта олмай мендай ғўр ёш мухбирнинг Соғломдаги тўйига ҳам борган ва қариндош-уруғларимнинг бошини еттинчи осмонга тегизиб қайтган. Шунақа олижаноб раҳбар эди Сотиволди Юсупалиев.

Кейин шаҳарга ўнга яқин ҳоким келиб кетди. Тўғриси, улар ҳақида кўпам эслолмаймиз. Кўпчилик ҳатто исмини ҳам унутган. Нега? Энди бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Хуллас, келишди-ю кетишди. Афсуски, шармандаи шармисор бўлиб кетганлар ҳам бор. Фақат вилоят ҳокимлигидан ҳоким бўлиб келган Илҳом Асадов Қашқадарёнинг Қарши шаҳрига эҳтиром билан кузатилгани ёдимда.

Шукурулла Маҳмудов ҳам кўп ишламади. Аммо у ҳам Илҳом Асадов сингари ўз постидан ҳурмат-эҳтиром билан кузатилди. Бу камдан-кам раҳбарларга насиб этадиган ҳол.

Кейинги уч-тўрт йил давомида Ангренда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Буларни барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Эзгу ишларнинг бошида Шукурулла Маҳмудов турди. Ташаббус кўрсатди, ташкиллаштирди, бош бўлди.

Шукурулла Маҳмудовнинг раҳбарликдаги оддий одамлар қадрлайдиган энг муҳим фазилати –

Сотиволди Юсупалиев каби кибрдан ҳолилигидир. У уч йил давомида катта-ю кичика бирдай муносабатда бўлди. Аввалги ҳокимларга оддий халқ негадир яқинлашолмасди, улар қандайдир ихоталанган эдилар. Шукурулла Маҳмудовда бундай ихота бўлмади. Қайтага халқ ҳузурига унинг ўзи пешвоз чиқди. Дардини тинглади, қўлидан келгунича ёрдам берди.

Яна бир мисол. Ангрен яқинидаги Соғлом маҳалласига Сотиволди Юсупалиевдан кейин айтарли бирон шаҳар раҳбари қадам ранжида қилмади. Нисбатан тинч, шовқин-сурон, жанжал йўқ бўлгани учундир. Бу “анъана”ни ҳам Шукурулла Маҳмудов бузди. Уч йил давомида бир неча бор Соғломда бўлди. Унқир-чўнқир кўчаларда пой-у пиёда кезиб, отахонлар, онахонлар, ёшлар билан эринмай суҳбатлашди. Маҳалла муаммоларини бирма-бир ёзиб олиб, уларни ҳал этиш чораларини қидирди. Ташрифлар кўп ўтмай ижобий самарасини берди. “Туя гўшти еган қурилиш” номи олан сув минораси ишга туширилди, ҳашар усулида бўлса-да, ҳар йили хонадонларга хавф соладиган сел оқими сойга буриб юборилди. Энг асосийси, неча йиллардан буён орзу бўлиб келган қишлоқ йўли бошдан-оёқ асфальтлаб берилди. Бундан ортиқ яна нима керак?

Шукурулла Маҳмудов Ангренда қолса яхши бўларди. Аммо - на-чора. У вилоят ҳокими ўринбосари лавозимида иш бошлади. Унинг ўрнига Президент Администрациясининг масъул ходими сифатида фаолият юритиб келган Нуриддин Абдурахимов Ангрен шаҳар ҳокими этиб тайинланди.

Биз Шукурулла Маҳмудов ва Нуриддин Абдурахимовларга янги бошлаган ишларида муваффақиятлар тилаймиз ва халқ эслаб юрадиган ишларингиз кўп бўлсин деймиз.

Неъмат ДУШАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

• ОКМК ҳаётидан • • • • •

“Ёшлик II” конида ИККИТА КАРЕР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Ёшлик II» конини ўзлаштириш» инвестицион лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 1-мартдаги ПҚ-2807-сонли «Ёшлик II» кони негизига «Олмалиқ КМК» АЖ нинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

«Ёшлик II» конини ўзлаштириш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун янги кон транспорт ускуналарининг келиши, шунингдек, «Ёшлик II» конида кон капитал қазиб олиш, кон очиш ишлари ҳажмининг ошиши муносабати билан ҳамда кон ишларини сифатли бошқаришни таъминлаш учун конда иккита карьер ташкил этилди.

«Шимолий-ғарбий Баликти» ва «Баракали» карьерлари «Олмалиқ КМК» АЖнинг бошқарув раиси А. Хурсановнинг 2021-йил 13-августдаги 001020-сонли буйруғига асосан ташкил этилди.

Ҳозирда «Ёшлик II» конининг 830-595 горизонтларида капитал қазиб олиш ва устки қатламни очиш ишлари олиб борилиб, конни ўзлаштириш бошлангандан буён 106,7 млн метр кубдан ортиқ ташиш ишлари бажарилди.

Кон амалга оширилаётган ишларга 2 дона ЭКГ-10, 15-дона ЭКГ-15М, 6 дона ЭКГ-20 ва 1 дона ЭКГ-20КМ 25 метр кубли экскаваторлар, бурғилаш ишларини олиб бориш учун 18 дона СБШ-250 бурғилаш ускуналари, тоғ жинсларини ташиш учун 29-дона БелАЗ 75307 ва 54 дона БелАЗ 71131 русумли автосамосваллари жалб этилган.

Конда ишлар жадаллик билан олиб борилаётган.

РАҚАМЛАРДА ФАКТЛАР АКС ЭТГАНДА

2013 йилдан 2021 йилгача мавжуд бўлган даврда ОКМК Шахтақурилиш бошқармаси томонидан жами бўлиб умумий узунлиги 19208,81 метр кон ўтиш ишлари бажарилган.

Шу жумладан “Қайрағоч” кони ва “Самарчук” участкасида 10737,81 метр кон-капитал ишлари, “Самарчук” ва “Междуречье” участкаларида 6063 метр кон-тайёрлаш ишлари, шунингдек “Туячовул” ва “Чумаук II” участкаларида 2408 метр геология қидирув кон лаҳимлари ўтиш ишларини амалга оширилган.

Шерзод ТИЛОВБЕРДИЕВ

• Бағрикенглик • • • • •

63 НАФАР ФУҚАРО АФВ ЭТИЛДИ

“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 63 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 44 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Шунингдек, 19 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этади.

• Хабарингиз борми? • • • • •

ҚОНУНЧИЛИККА КўРА...

Поездларнинг вагонлари, автотранспортлар ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш – БҲМнинг иккидан бир қисми (135 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Оилавий боғчаларга қуйидаги мақсадлар учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади:

– ёлланган (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – 2 нафаргача, бошқа ҳудудларда – 4 нафаргача) тарбиячи ва ёрдамчи хизматларга иш ҳақи тўлаш;

– давлат боғчалари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатланиш, юмшоқ инвентарь ва доридармонларга ажратилаётган харажатларни қоплаш;

– боқувчисини йўқотган аёллар фарзандларининг ота-оналар бадали тўловларини қоплаш.

Манба: huquqiyaxborot

МЕТАЛЛУРГЛАР УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАРИ

ОКМК бошқарув раиси буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 22-28 январь кунлари ўқув семинарлари ташкил этилди.

Ўқув семинарлари МТТУ МИСиС Олмалиқ филиали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

ОКМК Техник назорат хизмати, Мис эритиш заводи, Марказий таъмирлаш механика заводи, Инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш технологик маркази ҳамда Рух заводида “Металлургия” йўналиши (выщелачивание) бўйича меҳнат қилаётган 29 нафар муҳандис-техник ходимлари учун ташкил этилган ўқув семинари давомида тингловчилар ўз малакаларини оширишди.

Мазкур ўқув семинарини тугатганларга махсус сертификатлар берилди.

Улугбек ИМАМБЕРДИЕВ,
Ўқув маркази етакчи муҳандиси

На предприятиях АО «Узбекуголь»



Циклично-поточная технология, или иначе ЦПТ – это совокупность всего конвейерного транспорта на разрезе «Ангренский». Линии конвейеров длиной около четырех километров опутывают, словно паутиной, всю территорию разреза. Благодаря такому виду транспорта добытый в забоях бурый уголь и вскрышные породы быстро, со скоростью более пяти метров в секунду, «с комфортом» едут до бункеров и отвалов. Конвейерный транспорт является самым скоростным на разрезе, а питается он посредством электроэнергии.

УПРАВЛЯЯ СКОРОСТЬЮ, СОКРАЩАЯ ВРЕМЯ

Но за скорость, как известно, нужно платить. Поломки конвейерных линий случаются нередко, и виноваты в этом щебенка, песок, глина, а иногда и увесистые, негабаритные угольные куски, которые, попадая в систему несущих роликов, по которым движется конвейерная лента, выводят их из строя. Ведь при движении по роликам ленту потряхивает, и куски угля, и булыжники, случается, выпадают наружу и застревают там. К тому же острые камни, прыгая по ней, портят полотно резиновой транспортной ленты, в нем со временем появляются глубокие порезы и даже дыры. И это несмотря на то, что лента до пяти-шести сантиметров толщиной, а скатка такой ленты весит несколько тонн и требует подъемного крана. Тогда конвейер приходится останавливать, менять ленту и ремонтировать систему роликов.

- Не надо думать, что это простая работа, - говорит ведущий специалист отдела филиала разрез «Ангренский» Зайниддин Ашурматов, - в нашей горняцкой «кухне» нет совершенно ничего легкого и простого. Привести в порядок участок конвейерной линии протяженностью даже несколько десятков метров – не шутка. Без подъемного крана и множества рабочих рук, как говорится, не обойтись.

Рабочие 53-участка разреза «Ангрен-



ский», которым руководит начальник Эшкувват Сариев, в настоящее время проводят ремонт 540-метрового участка конвейерной линии № 8. По этой линии прежде транспортировались вскрышные породы, в составе которых хватает раз-

ного рода булыжников. Земельные конструкции, или секции конвейера вместе с роликами извлекаются из траншеи, в которой они были установлены, бригада рабочих занята их очисткой от приставшей глины. По дну траншеи змеится

толстый электрический кабель. Электро-двигатели, управляющие лентой, также требуют проверки, а если понадобится, и ремонта.


Работы по ремонту конвейерной линии ведутся при участии мастеров Мирсаида Юсупова, Музаффара Газиева, Джамшида Нормурадова, Элмурада Рахова, Улугбека Мусаева, Камила Мирисламова, Улугбека Урдаева, слесаря по ремонту горного оборудования Элера Каршиева.

- В 2022 году планируется внедрить в жизнь новый проект по строительству Северного углехода, - продолжает рассказ З.Ашурматов, - это одна конвейерная линия из четырех запланированных, которая позволит уменьшить число перевозок добытого угля из забоя транспортом на колесном ходу, в данном случае, карьерными самосвалами. Это значительно сэкономит дизтопливо. Конвейер ведь и быстрее, и экономичнее. Работы по строительству углехода уже начались и успешно ведутся, монтируются секции конвейера, в течение года еще три линии будут построены на территории Северного борта разреза, как раз рядом с забоями основных добычных участков. Таким образом, уголь будет поступать из забоев прямо на транспортную ленту конвейера и напрямую победит в углеприемник.

Северный борт разреза «Ангренский» напоминает многослойный торт на блюде. Именно здесь горняками был вскрыт мощный угольный пласт толщиной метров в двадцать-двадцать пять. Черный цвет – это уголь, белый – залежи каолина. На уступах борта экскаваторы деловито ковыряют грунт, по проложенным трассам снуют загруженные углем тяжелые «БелАЗы», далеко слышно, как дают гудки локомотивы на электрической тяге. На двух верхних горизонтах разреза полным ходом идут вскрышные работы, оглушительно грохочут гидравлические экскаваторы, здесь пройдет новая железнодорожная линия, круговая магистраль, благодаря которой можно будет без помех вывозить из чаши разреза и вскрышу, и уголь. Готовится место под склад каолина – попутные полезные ископаемые также будут сюда доставляться железнодорожным, а не автомобильным транспортом.

И тут же мелодично шуршат лентами конвейеры. Неумолимо и стремительно они несут на своих спинах наше общее богатство – уголь...

Ангренская тепловая электростанция в течение нескольких десятилетий дает Ангрену свет и тепло, бурый уголь, который добывается на разрезе «Ангренский» и в шахте, является для нее основным топливом. На ТЭС – два энергоблока: старый и более мощный новый, построенный несколько лет назад китайскими специалистами.



- Здесь трудятся, - продолжает Ф.Жураев, - и опытные специалисты со стажем работы, и представители молодежи, но известно, что производственный процесс требует от каждого человека неукоснительного соблюдения правил техники безопасности. Знать правила по ТБ очень важно, а для этого мы взяли за правило проводить инструктаж и технику, держать на контроле ситуацию, связанную с пожарной и экологической безопасностью. Забота о здоровье и благополучии рабочих цеха занимает первую ступеньку производственного процесса. На производстве может случиться всякое, но, как известно, аварийную ситуацию легче предупредить, чем потом ликвидировать последствия. Рабочим выдаются спецодежда и обувь, рукавицы, каски, хозяйственные принадлежности, а также молочнокислая продукция. Обязательно обучаем рабочих оказанию первой доврачебной помощи пострадавшим, нас обеспечили с этой целью даже специальным тренажером для проведения приемов искусственного дыхания.

ДОБЫТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ И ТЕПЛА

Заместитель начальника первого котлотурбинного цеха второго энергоблока Элэр Хатамов и инженер по технике безопасности Фахриддин Жураев рассказали, в чем состоит деятельность КТЦ-1, что является важнейшим в жизни рабочих цеха.

- В КТЦ-1 трудятся 67 человек, - рассказывает Э.Хатамов, - и руководит цехом начальник Хусниддин Ахмедов. Это ответственный и заинтересованный человек, душой болеющий за трудовой коллектив и производственный процесс.

В чем состоит смысл деятельности КТЦ? Котлотурбинные цеха по праву являются

движителем любой электростанции, именно здесь происходит священнодействие – топливо, в данном случае, уголь, сгорая, нагревает воду, которая после образует пар, а пар, в свою очередь, заставляет вращаться турбины. Электрическая и тепловая энергия – вот продукт этой непрерывной работы.

Скажу несколько слов про поступающий к нам на энергоблок уголь. Он особой марки и фракции, то есть, мелкий и с большей степенью зольности, обычно при его сгорании образуется много золошлаковых отходов, но у нас в КТЦ к нему подход иной. Новейшее оборудо-

вание, установленное в энергоблоке, позволяет экономно сжигать уголь с большим содержанием золы, да и мощная система фильтрации значительно уменьшает количество вредных выбросов в атмосферу.

Модернизация Ангренской тепловой электростанции – важная задача, стоящая перед нами, энергетиками. Старый энергоблок планируется демонтировать и в ближайшие годы заложить еще один энергоблок мощностью 150 МВт, аналогичный новому, с привлечением китайских специалистов. Тогда будет легче и ангреникам горнякам, добывающим уголь для стан-


ции, и нам, обслуживающим ее энергетикам. Даже самый зольный уголь будет сгорать почти полностью, без потерь, и давать наибольшее количество тепла.

Более четверти века работает оператором золошлакоудаления Шахло Жураева, оператором компрессорной установки – Гульбахор Хайдарова. Они являются прекрасными наставниками для рабочей молодежи. Да и среди представителей молодежи хватает по-настоящему любящих свою работу. Это Улугбек Юсупов, мастер ТЦ, и Нуржохон Парпиев, машинист энергоблока.

Полосу подготовила Диана АНДРЕЕВА

• **Орамиздаги одамлар** ● ● ● ● ● ● ● ● ● ●

рус тили фанидан дарс бера бошлади. Ёш мутахассис тезда устозлар назарига тушди. Чунки ундаги салоҳият, уддабуронлик ва ғайрат ҳамкасблари орасида, ўқувчилар даврасида ҳурматини оширди. Устозлари унинг кела-жагини кўра билди ва ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берди. Фаолиятининг илк йилларидаёқ шаҳар миқёсидаги тадбирлар, илмий конференцияларда қатнаша бошлади. Педагоглар ўртасида ўтказилган танловларда яхши натижаларни қўлга киритди. Ушбу мактабда оддий ўқитувчиликдан



Устоз талаб ва тақлифлар асосида бир муддат ўз билимини саноат ривожига йўналтирди.

Лекин касбга бўлган муҳаббат Халчабуви Баркиновнани яна таълим соҳасига қайтишга ундади. Таълим соҳасидаги фаолияти раҳбарият ишончини оқлагани исботи ўлароқ 2002 йилда Ангрен шаҳридаги 35-умумтаълим мактабига директор лавозимига тайинланди. Анча чиниққан, тажриба орттирган эмасми, муаллима бу ерда ҳам жамоа билан тез тил топиша олди. “Геолог” маҳалласи болаларини салоҳиятини ўстиришда ноанъанавий дарс услубларини жорий қилиб, сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Таълим муассасасида давомий равишда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борди. Мактаб биноси бугунги кунда янгича қиёфа касб

Аёл – табиат гултожи.
Борлиқнинг меъморидир. Ундаги меҳру муҳаббат ҳар қандай кўнгилни обод айлагай. Халчабуви опадек фидойи хилқатларимиз бор экан, миллат бардавом, фарзандлар баркамол бўлиб вояга етдилар. Ҳам оила, ҳам жамият юмушларини елкасига олиб, умргузаронлик қилаётган опсингилларимизнинг бардоши олдида ҳамиша таъзимдамиз.

Барчиной МИРЗАЛИЕВА.

• **Мухбир кундалигидан**

Мутолаани ёшлардан талаб қияпмиз, улар орасида тарғиб қияпмиз. Аммо ишни катта авлод вакилларида бoшлaш керак эмасми? Хўш, бугунги кунда ёши катталар мутoлаага қандай мунoсaбатда?



Сайёра Юсупова, пенсионер:

– Мактабда ўқиб юрган кезларимда қўлимдан бадий асарлар тушмасди. Ота-онам дарс тайёрлашга ундаса, мен бадий китобларимни ўқиб тугатишга ошиқардим. Ҳатто бир маротаба ҳамма ухлашга ётганида қўлимдаги Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романини ўзиам энг қизиқ жойига келган эканманми, уйку тутмасдан кўрпамни ичига кирволиб шам ёқиб ўқиганман. Асарга шунчалик берилиб кетганимдан қахрамонларимнинг руҳий дунёсига шўнғиб кетардим. Ўзимга уйку келиб қолиб, кўрпам ёниб кетишига бир баҳя қолган. Яхшиямки, шам ўчиб қолибди, йўқса, ёнғин чиқарди. Эрталаб онам кўрпамнинг озроқ куйган жойини қўриб қолиб қаттиқ койиганди. Ҳозирги китобларнинг тилига унчалик тушунмайман.

**Саъдиниса Эшмуродова,
ҳисобчи:**

Айни пайтда иш-ташвиш, неваралар дегандай... Ҳадисларни ва диний-маърифий китобларни ўқияпман. Суралар тафсири-ни ўқиб-ўрганапман. Олти ёш-ли неварамнинг хотираси ме-никидан қучли, овоз чиқариб ўқиянларимни дарров ёдлаб олаётганидан қувонаман.

Анвар Нурматов, дастурчи:

– Раҳматли кончи амакимининг қўлидан китоб тушмасди, шанба-якшанба дам олиш кунлариде унинг кутубхонадан бир нечта китоб олиб келиб ўқиётганини кўп учратганман. Амаким нафақат ўзбек адабиётини, балки рус ва бошқа чет эл адабларининг асарларини ҳам кўп ўқиган. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан парчаларни ёддан ўқирди.

Шахримиздаги кутубхонанинг энг фаол аъзosi эди. Ҳатто коллежда ўқиётган кезларимда мени ҳам мажбурлаб кутубхонага олиб борган ва аъзо қилган. Эсимда, мактабда ўқиб юрганимда Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" асарини совға қилганди. Шу китобни

**Абдумажид Ирисбоев,
ёқилғи шахобчаси ишчиси:**

– Китобми? Йўқ, ўқимайман. Охирги марта коллежда ўқиётганимда адабиёт ўқитувчимиз баҳо қўймайман, дегани учун ноилож ўқиб борганман. Қайси асарлигиям, муаллифиям эсимда йўқ ҳозир. Китоб ўқисам зерикиб кетаман. Қисқа ёзилган латифалар бўлса ўқирдим, йўқ ўниям бирортаси ўқиб берса яхши бўларди. Ҳозир ҳам қам китоб ўқирди? Қизиқ савол бўлди-ку? Ҳамманинг қўлида телефони бўлса! Хоҳлаган китобини интернетдан топиб ўқиб олаверида-да...

Сайёра Рихсиева, журналист:

– Китоб ўқимаслик
гумрохликдир. Ўқиладиган китоблар жудаям кўп. Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари”ни қайта-қайта ўқидим. Муаллиф аниқ тарихий воқеа-ходисаларни ўзига хос бадиий талкинда акс эттирган ва натижада китоб фоят ўқишли чиққан. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг туғилишларидан вафотларига қадар ҳикоя қилинган ушбу асарни набираларимга ўқиб бераёлман. Ҳозирги бадиий адабиётга дадил кириб келаётган ёш шоир ва адибларимизнинг ижодлари-ни ҳам мунтазам кузатиб бораман. Ҳали ҳамон китоб билимимни ошираётганига аминман.

Мардона МИРКАМОЛ қизи

Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ўз фаолияти давомида ўқувчи ёшларнинг маънавий-маърифий онгини юксалтириш, ёшларда ижодкорлик, яратувчанлик, бунёдкорлик, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби инсоний қазилатларни қарор топтиришда интиломда.

• Педагог минбари

Улар ташкил этаётган тadbирлар жараёнида ўқувчилар ўз имконият ва иқтидорини намойён этмокда. Мақтабларда ўтказилаётган иншолар танлови, “Ёш китобхон” мусобақалари, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, турли викториналар ўқувчиларнинг билимларини янада ошириб, уларнинг зукко, топқир, билимдон бўлиб улғайишлари учун замин бўлмокда.

“Бугуннинг тарғиботчиси қандай бўлиши керак?” деган ҳақли саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Бугуннинг тарғиботчиси ўз таълим масканида зиммасига юкланган вазифаларни тўлақонли адо этиш, қутилган самараларга эришиши учун:

– аввало, болаларни се-
виши, болалар дунёсини ўз
ҳаётининг бир бўлаги дея
англамоғи;

– ижодкор, китобхон, та-
шаббускор, ўз устида ишлай-
диган, бошқаларни, хусусан,
ўқувчи ёшларни ҳам шунга ун-
дайдиган, ҳар бир тадбирни,
аввало, болаларнинг маънави-
яти, маърифати, руҳий юксали-
шини қўзғаб амалга оширади-
ган хислатларга эга бўлиши:

— бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан яхши хабардор бўлган ҳолда, улар билан ишлай олиш кўникмасига эга бўлиши, лойиҳаларда уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиши:

– мамлакатимизда юритилаётган оқилona ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларга муносиб, ҳолис баҳо бериши, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга соғлом муносабат билдира олиши;

– ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ўз таълим масканида амалга оширилаёт-

ган тадбирлар, шунингдек, ва-
зифаларидан келиб чиққан
ҳолда, мақолалар, хабарлар
эълон қилиб бориш малакасига
эга бўлиши;

— иждоркорлар, журналистлар, блогерлар ҳамда бошқарув органлари, жамоатчилик вакиллари билан изчил ҳамкорликда ишлаш кўнимасига эга бўлиши лозим.

Факат тарғибот билангина иш битмайди. Тарғибот шундай бўлиши керакки, у ўзда ўргатиш, йўналтириш, ҳаракатга келтириш, руҳлантириш, рағбатлантириш каби омилларни бирдек жамлаши лозим. Қайсидир танловда қайсидир ўқувчининг ютуқларини жамоа олдида тантанавор ҳолда эътифод этиш унга янада жўшқин куч, шижоат бағишлайди. Ёки маълум ижобий натижага эришган ўқувчини камтарона бўлса-да рағбатлантириш унга келажакдаги муваффақиятлар учун мотивация беради.

Болалар онги ва қалбида ўрнак, ибрат, намуна услублари асосида таъкил қилинган таъдбирлар улкан таассурот қолдиради. Шунинг учун ҳам тарғиботчи ўз фаолиятида турли соҳа йўналишида улкан ютуқларга эришган машҳур инсонларнинг таърифини фаол таъкил қилиши керак.

Дунёни хайратга солган, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳамоҳанг бадий, тасвирий ва санъат асарларининг намоишсини ҳам ташкил қилиш ёшларда эзгу ва олийжаноб туйғуларга муҳаббатни ошириб, уларни бунёдкорлик, яратувчанликка ундайди.

Мафтуна ҲАКИМОВА,
Беширик туманидаги 58-
умумтаълим мактаби
тарғиботчиси

Биринчи курсда бизга антик адабиёт фанидан Вилоят Файзиева деган доцент опа дарс берган эди. Софокл ижодини ўрганишга етиб келганимизда у киши:

– Шанба куни Ҳамза театрида “Шоҳ Эдип” спектакли ўйналади. Бош ролда – Шуккур Бурҳон. Кечкурун соат беш яримда ҳаммангизни театр касаси олдида кутаман. Биргалашиб кўрамиз, кейин дарсда муҳокама қиламиз, – деб эълон қилди.

Ғириллаб шанба ҳам етиб келди. Биз, нодон, ўйинқароқ талабалар, табиийки, театр ҳақидаги гапни айтилган заҳоти унутган эдик. Тўғри-да, ўзингиз ўйланг ахир, ҳафтада бир келадиган муборак кун – шанбани пиво ё футбол, ё чойхонадаги ош ўрнига қанақадир театрга қурбон қиладиган анойи бор эканми?

Виждони пича қийналган битта-яримтамыз эса дарҳол ўзимизни оқлайдиган важ-карсон топдик: келармиди, айтди-қўйди-да. Нима, бу хотиннинг бошида эри, қайнонаси, бола-чақаси, уйда рўзғор ташвиши йўқми, ишдан кейин биз билан театрда етаклашиб юрса...

Душанба куни маълум бўлдики, йигирма бешта талабадан биронтаси “Шоҳ Эдип”га бормабди. Шоҳ бўлса ўзига.

Антик адабиёт дарси бошланди. Опа Ҳомер ҳақидаги мавзуни жуда мароқли қилиб тунтириб берди. Хайрият, теат-

• **Китобхонлик тарғиботи** • • • • •

БУ ХОТИННИНГ ЭРИ ЙЎҚМИДИ?

рга келмаган экан, деб биз ҳам енгил тортдик.

– Шанба куни сизларни театрда бир соат кутдим, – деди. – Афсус, келмадинглар. Келаси шанба соат беш яримда касса олдида кутаман. Хайр.

Қаттиққўл, талабчан бу опанинг бизни койиб-нетиб ўтирмаганини кўриб, ҳайрон қолдик.

Яна шанба келди. Ҳар ким ҳар ёққа тарқаб кетди. Спектакль тагин эсдан чиқди.

Душанба куни маълум бўлдики, йигирма бешта талабадан учта қиз, улар ҳам



«Ўқитувчи портрети». Рассом Михаил Лисовский

туғилган кундан чиқиб, театрга борибди. Доцент Вилоят Файзиева билан “Шоҳ Эдип”ни томоша қилишибди. Уларнинг спектакль ҳақидаги таассуротлари “Даҳшат!” деган битта сўздан иборат эди.

Тагин антик адабиёт дарси бошланди. Опа Эсхил ижоди ҳақида зўр маъруза қилди. Дарс тугагандан кейин бизга қараб секингина:

– Шанба куни кутдим, йигирма икки киши яна келмади, – деди. – Афсус. Сизларга битта саволим бор: Тошкентга нега келгансизлар ўзи? ТошДУда ўқияпман, деб аввало ота-онангизни, кейин ўзингизни алдаб юргандан кўра, ҳалиям кеч эмас – қишлоқларингизга қайтиб кетганингиз маъқул. Далангизда қўй боқиб, боғингизда олма қоқиб юрсангиз ҳам кунингиз ўтади. Лекин театрни, галереяни, консерваторияни, музейни кўрмасдан-билмасдан туриб, одам қандай журналист бўлиши мумкин? Қандай зиёли бўлиши мумкин? Эртага бошқа миллат вакиллари билан қандай тенг бўлиб гаплашиши мумкин?

Ҳаммамиз бошимизни эгиб олган эдик.

– Шанба куни соат беш яримда сизларни театр кассаси олдида кутаман, – деди опа, кейин сирли оҳангда қўшиб қўйди:

– Эй нодон болаларим, Шуккур Бурҳон ҳам ғанимат, кўриб қолинглар. Хайр.

Домланинг гаплари жонжонимиздан ўтиб кетган экан, шанба куни ҳаммамиз ясантусан қилиб Ҳамза театрига бордик. Опа касса олдида бизни кутиб турган экан, биргалашиб залга кирдик.

Спектакль бошланди ва беш дақиқа ўтмасдан биз... жинни бўлиб қолдик – сахнада буюк Шуккур Бурҳонни, бетакорр Кудрат Хўжаевни, бекиёс Амин Турдиевни кўриб... Асқад Мухторнинг илоҳий таржимасини эшитиб...

Спектаклга бошқа одамлар бўлиб кирган эдик – бутунлай бошқа одамлар бўлиб чиқдик.

Антик адабиёт муаллимаси Вилоят Файзиеванинг шарофати ва марҳамати билан, афсунгар санъатнинг қудрати билан қалбларимизда мана шундай буюк эврилиш юз берди.

Шу кундан эътиборан барчамиз театр шайдоси – ашаддий “театрал”ларга айланиб қолдик.

Ҳамза театрининг ҳам энг гуллаб-яшнаган даврлари экан. Шахсан мен театр сахнасида қўйилган “Ҳаёт шом” спектаклида Олим Хўжаевни, “Ғарибларда” Наби Раҳимов билан Сора Эшонтўраевани, “Ўғирланган умр”да Яйра Аб-



Шуккур Бурҳон шоҳ Эдип ролида

дуллаевани, “Олтин девор”да Ғани Аъзамовни ўз кўзим билан кўриш бахтига мушарраф бўлдим.

Вилоят опа эса бир семестр дарс бериб, биз билан хайрлашиб кетди. Умр йўлларида қайтиб кўришиш насиб этмади.

...Баъзан туриб-туриб ўйлаб қоламан: чиндан ҳам бу хотиннинг бошида тергайдиган эри, қайнонаси, этагига ёпишадиган бола-чақаси, рўзғор ташвиши йўқмиди?

Бор эди, албатта. Ўзи қурсдош қизларимиздан Матлубага айтган экан: учта боласи, тажанг бир эри, заҳаргина қайнонаси билан бирга яшар экан.

Лекин, назаримда, бу аёлнинг қалбида ўзбек зиёлиси, ўзбек миллати учун қайғуриш туйғуси бор эди. Ва бу туйғу қолган ҳамма нарсадан устун эди.

Хайриддин СУЛТОН
“Навоий-30” китобидан

ҚАМАЛ ПАЙТИДАГИ НАВОИЙХОНЛИК

1941 йилнинг 10 декабрь куни Иккинчи жаҳон урушининг энг мудҳиш дамлари, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) даҳшатли қамал исканжасида қолган пайтларда Эрмитажда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан илмий-анжуман ўтказилган.

Ғарбий Европада Иккинчи жаҳон уруши тобора аланга олаётган бир пайтда 1941 йил 12 март куни Низомий Ганжавийнинг 800 ҳамда Алишер Навоийнинг 500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарори имзоланган эди. Ленинград даҳшатли қамал исканжасида қолганига қарамасдан, буюк мутафаккирлар таваллуди нишонланаверади. Жумладан, Навоий ижодига бағишланган кечалар Ленинград зиёлиларининг ўзига хос жасорат намунаси бўлди. 10 декабрь куни Эрмитаж биносига таклиф қилинган шоир ва олимлар, рассом ва зиёлилар очликдан аранг қадам ташлаб, Навоийнинг 500 йиллиги юбилейига етиб келишади. Ленинград Фарфор заводи рассоми Михаил Мох Эрмитажнинг совуқ хоналаридан бирида, милтиллаб ёнаётган печь қаршисида ўтириб, Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган чинни идишларга расм соларди. Бу идишлар ҳозиргача Эрмитажда сақланади. Фашистлар шаҳарни дамбадам тўпга тутишар, бомба ёғдиришар, ҳар дақиқада очлик ва ҳужум сабабли ўнлаб инсонлар ўлимга рўбару келарди.

Буюк мутафаккир Навоий таваллудининг 500 йиллиги тадбирларида И.Орбели, Н.Лебедев, Е.Бертелс, Б.Пиотровский. И.Крачковский, В.Рождественский сингари буюк олимлар ва адиблар иштирок этишган. Ушбу тадбирда машҳур шарқшунос олим Иосиф Орбели шундай деганди. «Бугун жуда мураккаб бир пайтда Навоий таваллудини нишонлаётимиз. Душманлар шаҳарни мажолсиз ва жонсиз

деб ўйлаётган бир пайтда бу тадбирнинг ўтаётгани халқнинг мардона руҳидан, унинг букилмас иродасидан дарак беради. Биз, албатта, ғалаба қозонамиз ва тинчлик шароитида Навоий таваллудини муносиб тарзда нишонлаймиз. Аммо душман замбараклари остида ўтаётган бу тадбир инсон хотирасида абадий қолади. Ҳеч нарсасига қарамасдан шеърят яшайверади ва уни ҳеч қандай куч мағлуб этолмайди. Биз ҳар доим унинг мафтункор оламига кириб бораверамиз». Очлик ва ўлим исканжасида Тасаввур қилинг, ана шундай мураккаб, даҳшатли кунларда, очлик ва ўлим хавфи бутун шаҳарни исканжага олган бир пайтда санкт-петербурглик олимлар Навоий таваллудини нишонлашган. Орбели нутқ сўзлаётганда икки марта кучли портлаш юз беради, ҳамма деразага қарайди. Фашистларнинг иккита бомбаси Нева дарёсига келиб тушганди. Аммо шунга қарамасдан одамлар йиғилишни тарк этишмайди, шеърхонлик давом этади. Ахир бу чинакам қаҳрамонлик эмасми?

– Очлик, муҳтожлик, қаҳратон совуқ, турли касалликлар бутун шаҳарни исканжага олганди, – дейди Эрмитаж раҳбари Михаил Пиотровский. – Марҳум отам Борис Пиотровский ўша йилларда Эрмитажга раҳбарлик қилган, ундан қамал даҳшати, ўша пайтда бу ерда ўтказилган навоийхонлик ҳақида кўп эшитганман. Шаҳар фашистлар томонидан қамалга олинган, душман ҳар лаҳзада шаҳар устига ажал ёғдириши мумкин эди. Аммо, олим-



Эрмитаж музейи. Санкт-Петербург, Россия

лар Навоийга бўлган ҳурмат туфайли ўз жонини хатарга қўйиб бўлсада, мажлисга етиб келган. Ушанда бутун шаҳарда чироқ ўчган бўлсада, Эрмитажда электр таъминоти узилмаган. Нева дарёсидаги бир пайтлар императорга тегишли бўлган «Қутб юлдузи» яхтасидан ток улаб, Эрмитажнинг чироқлари ва муфель печларини ёқилган. Олимлар очликдан силласи қуриган бўлсада, аранг оёқда туриб, Навоий ижоди хусусида мулоҳазаларини билдиришган, рус тилига таржима қилинган шеърлари ўқиб берилган.

Таржимон Николай Лебедев ордан икки кун ўтиб, Эрмитажда такроран ўтказилган навоийхонлик кечасида, Навоийнинг шеърларини шивирлаб туриб, очлик, касаллик ва ҳолсизликдан вафот этган.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎЗА



О'quvchilar ijodi

Qish


Uxlamoqda daraxtlar,
Uxlamoqda dalalar.
Dikir-dikir sakrashar
Qalbi uyg'oq bolalar.

Guppilatib yog'sa qor,
Yosh ko'ngil bo'lib bahor.
Qorbo'ronlar o'ynaymiz,
Chana tortamiz takror.

Tarnovlarda sumalak,
Arig'imiz- yaxmalak.
Sekin sakrab o'tmasak,
Bo'ladirmiz charxpalak.

To'g'ri, qish juda sovuq,
Tuxum qo'ymaydi tovuq.
Don topolmay qiyalar
Tog'da kaklik, tustovuq.

Zahridin ASKAROV,
Angren shahridagi 27-maktabning
o'quvchisi




Бу қизик

Навоий ҳайкаллари дунё бўйлаб Боку, Москва, Шанхай, Вашингтон, Сеул, Ашхобод, Уш шаҳарлари ва Япония мамлакатига ўрнатилган.

2009 йилда Меркурийдаги кратер Алишер Навоий шарафига номланган.

АҚЛ ЧАРХИ

Сиркадан кўра асалда пашша кўпроқ ўлади. (Ж. Лафонтен)



«Жон куйдир-масанг ... қайда!»		Юздаги майда ҳоллар		Асал..., қовоғ... (ҳашо-рат)						
					«Ўрганган ... ўртанса қўймас!»		Адиб ... Усмонов («Гирдоб»)		Чирой, хусн	Араб зодагони
«Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ...!»		Сунъий, ясама қўл, оёқ							...лос, ...тара, ...мн	
					Япон кинорежиссёри ... Куросава		Энг катта бақа (Жан. Америка)			
«Қанийди, зора!»		«Бир ... никотин отни ўлдирди!»		Илмий... конференция						
						«Бугун ҳаво 45 даража ...»	Ҳиндулар қабиласи		Қўшиқчи Муродбек ... («Сенсиз»)	
«Жаннат ... оёғи остида-дир!»	Памперс		Аёллар исми	«Пўшт, ...!» (бозорда)						Мусав-вир ... Чориев
						...-чикир			Зиёфат, ... у жам-шид	Етти торли эстрада чолғуси
Вазирлар Маҳкамаси	Тропик лайлак						Исириқ тутатидиган гадо		Амир Те-мурнинг суюкли рафиқаси	Тиш гўшти
					Сурбет, уятсиз		«Ганг дарёсининг ...и»		Открит-калар тўплами	
	Устоз актёр ... Умаров (Ҳомид)	Миш-миш гап					Пойтах-ти Сан-тьяго		Дам со-лувчи табиб	
					Уч атом-ли кис-лород		«Доскани тозала!» (мактаб)	Тоғлардан қайтган ...-садо	«Ўзи ..., кўланкаси майдон!»	Балиқ уруғи
	«... асираси» (к/коме-дия)	Плёнкали суратга олгич		Канада-нинг бош-шаҳри					«Кўза ... эмас, ку-нида си-нади!»	Игна (синоним)
					Ингиз дала ҳовлиси	Бет, ...-ангор		«Ўйна!» (лезгинка)		Оқловчи бўйёқ
	Шайдо, маҳлиё		Шогирд ўқитув-чиси		Чийил-доқ рус хонан-даси			Чақа-лоққа қўйилади	Иложини топиш, ...-тад-бир	
						Lexus	9 вольт-ли бата-рея тури	Пойабзал таъмир-лаш жойи		
Охират кун карнай чалувчи фаришта	Исириқ (сино-ним)		Лўли кафтга қараб очади	Сехр-жоду					Талаба сессияда топши-ради	«Ҳақ-қимни бер!»
	Дубляж актёри ... Рафиқов					Актриса ... Низо-мидди-нова			Мархум-нинг сўнгги истаги	«Қўшнинг ... бўлса, кўзингни қис!»
			Коинот, космос				Альбом-га чизи-лади	Жан Клод ... Дамм		Россия-лик хо-нанда ... Королёва
	Одми, содда кийинган				Аждодлар-дан авлод-ларга ўтув-чи одат				Ўзбекиойим Кумушга қўйган лақаб	
	Шох буйруғи	Қўшиш белгиси	Кичик ҳаж				«Керакли ...нинг оғири йўқ»	Теннис бўлими		Калаш-ников автомати (аббр.)
					«Ҳайрат ...-аброр (Навоий)	Овчи ити			Соқол қиртиш-лаш креми	
	... Саъдул-лаев (Али-мардон Тўраев)	Заҳар (адабий)	Ҳарбий лавозим					«... ният ярим мол»		Италия пойтахти
							«Барча ... шароит муҳайё!»		Отанинг опа-сингли	

Эркак ва аёл, йигит ва қиз ўртасидаги муносабатлар яқин-яқингача ўта нозик масала саналиб келган. Унаштирилган йигит-қизлар то тўй ўтмагунча қудда томон вакилларида ўзларини олиб қочиши, момоларимиз ҳурмат юзасидан ўз тан-махрамларини бош фарзанд исми билан чақириши, боболаримиз номахрамлар олдида ҳатто аёлининг исмини тилга олмагани ҳам ана шундай гўзал қадриятлар сирасига кирган. Етти ёт бегоналар олдида қучоқлашиб, муҳаббат изҳор қилиш, тўйларда ҳамманинг олдида фарбона рақс тушиш, "love story"ларини кўз-кўз этишлар ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Албатта, Фарбнинг ҳам ўзига хос бетакрор маданияти, санъати, фалсафаси бор ва уларга ҳурмат билан ёндашишга ҳақлимиз. Шу билан бирга, Фарбнинг ҳар қандай таомилини кўр-кўрона қабул қилиш, уларни амалда қўллаш ўз миллий менталитетимизга очик-ошкор ҳурматсизлик намоиши эканини ҳам тушунамиз. Бироқ, афсуски, аҳоли, айниқса, ёшларимиз ҳали-ҳамон фарб "анъаналари"га кўр-кўрона эргашаётгани ҳар биримизни ташвишга солади.

14 февраль қандай кун?

Ана шундай иллатлардан бири бу шубҳасиз 14 февралнинг "Авлиё Валентин куни" ёки оддийгина айтсак "Севишганлар куни" сифатида нишонланишидир. Тўғри, бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу кун расман бўлмаса-да, ёшлар томонидан оммавий тарзда байрам қилинади. Бундай "тантана" юртимизга ҳам кеча ёки бугун кириб келгани йўқ. Бир пайтлар турли радио ва телеканалларимиз, кўнгилочар нашрлар саҳифаларида бу кун муносабати билан турли жўшқин табриклар, "севги ҳикоялари", дил изҳорининг антиқа кўринишлари тарғибига зўр берилгани ҳам сир эмас.

Муайян чора-тадбирлар туфайли бундай "кампания"нинг

"шовқини" босилгандек. Аммо, ёшларимиз бу кунни бутунлай "унутиб" юборгани йўқ. Айни шу "айём" арафасида бозор ва расалар, дўконларида "Севишганлар куни" тимсолларини акс эттирувчи турли ҳадялар, откриткалар, ўйинчоқлар савдоси авж олади. Гул сотувчиларининг "кетмони учади". Кафе ва ресторанлар "ишқ аҳли"нинг ташрифидан "обод" бўлади. Ҳатто унаштирилган бўлғуси "келин-куёв"ларнинг айнан шу кунни учрашишлари, бир-бирига совға жўнатишлари одатий тус олган.

Айрим "учар" тадбиркор шоуменлар "Севишганлар куни"га бағишланган байрам дастурларини "Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуди" билан ниқоблашга ҳам уринишади. Табиийки, бундай "кечалар"да Бобур Мирзонинг номи нари борса бир-икки марта тилга олинади, холос. Санъатимиз "юлдузлари" эса, азалий мавзудаги кўшиқлари билан жуфт-жуфт бўлиб ташриф буюрган тадбир меҳмонларини хушнуд этишади. Бу нима? Буюк саркарда ва шoir бобомиз руҳини таҳқирлаш эмасми? Савол туғилади: нега ўша "фидойи"лар 9 февраль – Ҳазрат Навоийнинг ёки 9 апрель – Соҳибқирон Амир Темирнинг таваллудига бағишланган маърифий тадбирлар ўтказишмайди? Жавоби ўзингизга маълум.

“ВАЛЕНТИН КУНИ” – БЕҲАЁЛИК ТАНТАНАСИ

Ўйлаб кўрайлик: муҳаббат аталмиш покиза, илоҳий туйғунинг аллақандай сохта байрамлару бачкана "урф-одатлар", ялтироқ сувенирлар билан ўлчаниши унинг қадр-қимматини тушириб юборма-яптими? Бугун "севишганлар куни"да андишаю ор-номусни унутиб, бир-бирига бўлган оташин "севгиси"ни оламга ёйишга уринаётган ошiq-маъшуклар бир неча ой, ҳафта ва ҳатто санокли кунлардан сўнг бир-биридан бешиб, бошқа "эрмак" излашга тушиши ҳам бор гап-ку?

Авлиё Валентиннинг "каромати"

Келинг, бу ҳақдаги мулоҳазаларни давом эттиришдан аввал ёшларимизнинг "тақвими"дан ўрин олган ушбу "байрам"нинг тарихига бир кўз ташласак. Хўш, "Авлиё Валентин" деганлари ким ўзи? "Ул зоти шариф" нима "каромат кўрсатганлар?"

Маълумотларга кўра, миллоддан аввалги учинчи асрда Қадимги Римда ёш болалар ўлими жуда кўпайиб кетади. Туғилиш даражаси кескин пасаяди. Бу эса ҳукуматни ташвишга солади. Эраимиздан аввалги 276 йилда бир кохин туғилиш даражасини ошириш учун ўзига хос усулни тавсия қилади. Яъни эркаклар қадимги Рим маъбудларига қурбонлик қилинган жониворларнинг терисидан қамчи ясаб қип-яланғоч ҳолда шаҳарга кўчалари бўйлаб югу-



радилар ва дуч келган аёлларни "илоҳий қамчи" билан савалайдилар. Бу одат ҳар йилги анъана тусини олади. Кейинчалик эркаклар ва аёллар алоҳида "сайлгоҳ"га чиқиб, яланғоч ҳолатда ўйин-кулги қилишга, оммавий фаҳш билан намоиш-корона шугулланишга ўтадилар. Ҳатто Европага христианлик кириб келгандан кейин ҳам бу "байрам" давом этаверади.

Бошқа бир ривоятга кўра, Қадимги Рим ҳукмдори Клавдий жанг пайтида ўз аскарларига уйланишни ман қилади. Императорнинг ҳарбий шифокори ва руҳонийси, шахватпарастлиги билан ном қозонган Валентин эса яширин тарзда аскарларни аёллар билан таъминлай бошлайди. Буни пайқаб қолган Клавдий Валентинни зиндонга ташлайди. Валентин ҳатто зиндонда ҳам бузқулик, фаҳш, маишат учун шароит топа олади. Император уни ўлимга ҳукм этади. Руҳоний ўлими олдида ўз жазманига мактуб йўллайди... Орадан асрлар ўтиб, на насронийлик, на бошқа расмий динга алоқаси бўлмаган бир кимсанинг

номи афсоналарга йўғрилиб, "Авлиё Валентин" номини олади. Шу тариқа у қатл этилган 14 февраль куни "севишганларнинг бир-бирига махсус откриткалар – "валентинкалар" йўллаш удум бўлиб қолганмиш.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ушбу куннинг тарихи фаҳш, бузқулик ва итоатсизликка бориб тақалади. Шу боис, "Авлиё Валентин куни"ни нишонлашга христиан руҳонийлари ҳам қарши чиқишади. Ва ўз-ўзидан маълумки, эзгулик, поклик ва бағрикенглик дини бўлган Ислom ҳам фаҳш, бузқулик тантанаси кескин қоралайди.

Дастурхон устида чиройли кўкатлар билан безатилган таом аслида ҳаром қотган жонзот гўштидан тайёрланганини билган хўранданинг иштаҳаси бўғилади. "Авлиё Валентин куни", "Севишганлар куни" сингари жарангдор номлар билан аталадиган, ёшларни ўзига оҳанрабодек тортадиган бу "байрам" ҳам аслида миллий қадриятларимизга, муқаддас динимизга мутлақо ёт иллат эканини, уни "нишонлаш" ҳам тарбиясизлик, ҳам шаккоклик эканини англагандан кейин-чи? Наҳотки, бизнинг ёшларимиз аллақандай бутпараст шармандаларнинг ёки шилқим қўшмачининг "руҳини шод" этиш учун мана шундай томошаларга бош қўйишса?

ЎзА материаллари асосида тайёрланди

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

БМТнинг 2015 йил 10 июндаги "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган.

Айни пайтда МДХ мамлакатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланган.

Республикамизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 710-сонли қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли сонини ҳисоблаш жараёни уч босқичда амалга оширила-

ди. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади. Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимига киритилади. Яъни бундан бу ёғига қоғозбозликдан воз кечиб, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Амалдаги меъёрий



ҳужжатларга биноан, якуний маълумотларни уч тилда эълон қилиниши кўзда тутилган. Чора-тадбирлар дастурида аҳолини рўйхатга олиш натижаларини расмий чоп этиш, тарқатиш, ахборот билан таъминлаш ва эълон қилиш, аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва якуний маълумотларини архивда сақлашга тайёрлаш муддати 2025 йил 1 декабрга қадар, деб кўрсатилган. Яъни маълумотлар билан танишишнинг охириги чегара муддати белгиланган. Бироқ агарда тезкор фаолият юритилса, ушбу муддатдан олдин ҳам эълон қилиш имконияти мавжуд.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Ҳамиша омон бўлинг, дўст!

Ичида дарди кўп, аммо уларни ташқарига чиқариб, дoston қилмайдиган, аксинча ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятдан кулиб-кулиб чиқиб кетадиган ажойиб одамлар бор ораимизда. Олмалиқлик ҳуқуқшунос Абдурашид Исоқжонов ана шундай замондошларимиздан ҳисобланади.



Абдурашид Исоқжоновни нафақат Олмалиқ, балки Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари ва Оҳангарон туманида ҳам яши билишади ва ҳурмат қилишади. У ўз вақтида Оҳангарон туман халқ контроли комитетини муваффақиятли бошқарган эди. Кейинчалик узоқ йиллар суд-ҳуқуқ тизимида самарали фаолият олиб борди. Хусусан, тажрибали нотариус сифатида Ангрен шаҳрида кўп йиллар фаолият кўрсатди. Айни пайтда вилоят адлия бошқармаси фахрийлар кенгаши-ни жўшқинлик билан юритди. Нафақага

чиққанига қарамай, ҳозирги кунда ҳам адвокатлик билан шугулланиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш йўлида заҳмат чекиб келмоқда.

Биз дўстимиз Абдурашид Исоқжоновни куни кеча нишонлаган таваллуд куни билан табриклаб, унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, фарзанду набиралари камолини кўриб юришни тилаймиз.

Бир гуруҳ дўстлари номидан: Х.ЮНУСОВ, Ангрен шаҳри.

Ulug`yo`l

ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Angren ziyο»
масъулияти чекланган
жамият

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Исомиддин Ёрматов, Абдурашид Ҳасанов, Бахтиёр Юлдашев, Беҳзод Қобулов, Холхўжа Юнусов, Файзулла Шеров, Носиржон Аминов, Қутлуг Тешабоев, Шерзод Тиловбердиев, Ражаббой Багиров.

Мухаррир: Отабек БАКИРОВ
Навбатчи: Диана АНДРЕЕВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

110200. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 38.

Мурожаат учун телефон:
0(370)662-25-35, (93)919-21-84.
E-mail: angrenziyo@gmail.uz

Таҳририятга юборилган
қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газета Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2010 йил 7 декабрда 03-069 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи - 7034. ISSN 2181-8142. Бир ойда уч марта чиқади.
① белгиси – тижорат материали

Газета «Angren ziyο» МЧЖ компьютерида терилди ва саҳифаланди.

«Niso Poligraf» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал қишлоғи, Марказий кўча, 1 уй.
Босишга топширилди: 2.02.2022. Қоғоз бичими А-3. Ҳажми 2 босма тобоқ. Адади 1374 нусха. Буюртма -

• Ёшлар ижоди •

Фақат сени севишга қўйгин

МЕҲМОН ҚИЛ

Сайри гулзор этиб гул,
Ғунчаларни ҳайрон қил.
Пойинг пойлаб ётар қул,
Булбулларни бийрон қил.

Роҳат эрса дилрабо,
Майлига айла жафо.
Карбалога йўлла-ю,
Мажнун каби сарсон қил.

Кипригингдан ўқ узиб,
Қош қиличин юргизиб,
Минг бор қулиб, кўз сузиб.
Қатлим учун фармон қил.

Ишим йўл ҳилол билан,
Юзингдаги хол билан.
Лабда ширин бол билан
Бир лаҳзага меҳмон қил.

ВАҚТ

Тинмай югуради вақт деган бир от,
Қадамига ою йилларни боғлаб.
Шу тулпорга базўр мингашиб ҳаёт
Олмиш елкасидан маҳкам қучоқлаб.

Ул от чопаетир ўйноқи елдек,
Мен унинг жоловин тортмоқчи бўлдим.
Оёқларин боғлаб мисоли зилдек,
Вақтни юрагимга ортмоқчи бўлдим.

Барчасига кучим етди-ю, аммо,
Уни тутмоқ учун анча йўл юрдим.
Юрагимга ортиш бўлди муаммо,
Зўрға қўкрагимга қамаб улгурдим.

Ўша кундан бўён юрагим тинди,
Ишонманг кўксимнинг "дук-дук"ларига.
Дилимнинг энг сўнгги ноласин энди,
Қўшинг "Сарахбори Бузрук"ларига.

Юрагим урушдан тўхтаган, толиб,
Тирикликдан ўчган ному нишони.
Шунчаки кўксимда гулдурас солиб,
Ўтиб бораётир вақтнинг қарвони.

ИҚРОР

Сиз билан терс келди юлдузларимиз,
Афсус боғланмади тақдирнинг йўли.
Билиб қўйинг, олис шаҳардаги қиз,
Мени фарқ этипти кўз ёшим қўли.

Энди менга фарқсиз надир ой, зўхро.
Икки дунё тамом – иккита қадам.
Сизга етайин деб қилмам илтижо.
Филмонга уйланган қайси бир одам?

ИЛТИМОС

Майли, севма, сен, мени зинҳор,
Оловларга отгин жонимни.
Бир лаҳзада ҳаттоки минг бор,
Ёқиб ташла хонумонимни.

Майли, севма, сен, мени зинҳор,
Қўлларингни берма қўлимга.
Тупроқдан-да этгин хору зор,
Минг азобни юбор йўлимга.

Майли, севма, ёқтирма зинҳор,
Барчасини тақдирга йўйгин.
Илтимосим сендан, эй дилдор,
Фақат сени севишга қўйгин.

НАЪМАТАК

Табиатнинг қизисан, эркам,
Уравергин боғларда ханда.
Минг Лайлининг ўзи мужассам,
Мингта Ширин яшайди санда.

Ғунчаларинг таратса ифор,
Баҳор берар қоматингга зеб.
Капалаклар чалишиб дутор
Қўшиқ айтар "Сени севдим", деб

Булбулларга юрма ишониб,
Ёшлаб кетар бир кун кўзингни.
Сув ҳам аниқ кетади ёниб,
Агар унга боссанг юзингни.

Қучоғингда турибди олам.
Юлдузларни бошинг узра сеп.
Шўхлик қилгин ярашар бу дам
Қўёшни сен коптоқ қилиб теп.

Кўзгу қилгин шарқироқ сойни,
Булут бўлсин бошингга рўмол.
Кўкдан узиб яп-янги ойни
Билакузук каби тақиб ол.

Хаёл қуши учса самода
Гуллар тутгин унга бир этак.
Сендан гўзал қиз йўқ дунёда
Сўзларимга ишон, Наъматак.

Ойбек АКБАРИЙ

Муаллиф ҳақида: Ойбек АКБАРОВ 1995 йил 9 апрелда Янгийўл туманидаги Халқобод қўрғонида туғилган. Шеърлари "Ёшлик баҳорининг бойчечаклари" баёзи ҳамда республика матбуотида чоп этилган. Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари иштирокчиси (2021).

ЭРКИН ТУХЛИЕВ



Ангрен шаҳри жамоатчилиги оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ангрен шаҳар кенгаши раиси Эркин Тухлиев 60 ёшида вафот этди.

Э.Тухлиев 1962 йил 18 октябрда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. 1983 йили Тошкент вилояти давлат педагогика институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Ангрен шаҳар ўқув ишлаб чиқариш комбинати ўқитувчилигидан бошлаган.

Эркин Давирович ўзининг қарийб қирқ йиллик фаолияти давомида Ангрен шаҳар партия қўмитаси йўриқчиси, Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими мудир, Ангрен шаҳар ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, Ангрен шаҳар кимё саноати коллежи директори, Ангрен шаҳар кўмир саноати касб-хунар коллежи директори, Ангрен шаҳар 18-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

2019 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ангрен шаҳар кенгашига раис этиб сайланди.

Э.Тухлиев Ангрен шаҳрида таълим тизimini ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини бойитиш ҳамда Халқ демократик партияси ғояларини кенг тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатган.

Э.Тухлиевнинг фидокорона хизматлари муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги", "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил", "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишонларига сазовор бўлган эди.

Фидойи раҳбар, меҳрибон устоз, камтар инсон Эркин Тухлиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари
Б.РАСУЛОВ, Б.ЮЛДАШЕВ,
Ш.ДАДОМАТОВ, Э.ЭРГАШЕВ, А.КУКАНОВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ангрен шаҳар Кенгаши аъзолари Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши раиси

Эркин ТУХЛИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

"Angren ziyo" МЧЖ ва "Ulug' yo'l" газетаси жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши раиси

Эркин ТУХЛИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.



Ҳурматли Мухаббат АБДУҚОДИРОВА

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий муборакбот этамиз. Сизга баракали умр, сиҳат-саломатлик, ижодингизга янги парвозлар тилаймиз.

Ёш ижодкорларга сабоқ беришдай савобли ишда бардавом бўлиб, шогирдларингиз ютуқларини кўриб юринг.

Ҳурмат билан "Довон жылгалари" маҳорат мактаби ўқувчилари

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳар бир маҳалланинг ўз жонқуярлари, фидойилари бор. **Гулнора ОТАЕВА** ҳамда **Жамила ҲАКИМОВА**лар бизнинг Ангрен шаҳар Грум маҳалласида ана шундай қайвони онахонлардан ҳисобланишади. Январ ойида уларнинг таваллуд топган кунлари. Гулнора опа 67, Жамила опа 62 баҳорни қарши олдилар. Шу муносабат билан Холхўжа Юнусов бошлиқ маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши уларни қизгин муборакбод этди.

Фурсатдан фойдаланиб, маҳалламиз фаришталари бўлган азиз онахонларимизни шукрона айёми билан самимий қутлаб, уларга узок умр, оиласига бахт, маҳалла ишларида муваффақиятлар тилаймиз.



Маҳалла фаоллари номидан:
Мавлуда ГАИТОВА.

Табриклаймиз!



"Ўзбеккўмир" АЖ "Ангрен кўмир кони" филиали 33-бўлим бошлиғи **Баҳодир ЮНУСОВ**ни таваллуд куни билан табриклаб, ишларида муваффақиятлар, оиласига бахт, фаровонлик тилаймиз.

Эллик биринчи баҳорингиз ва «Кончилик шўхрати» кўкрак нишони муборак бўлсин!

"Ангрен кўмир кони" филиали жамоаси номидан:
Хуришда ХОЛДИБЕКОВА.